

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

28-сон
(372)
2009 йил
13 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

323. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги ПФ–1701-сон Фармониغا ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 июлдаги ПФ–4118-сон Фармони
324. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори ни ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ–4119-сон Фармони
325. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги ПҚ–1150-сон қарори
326. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 июлдаги ПҚ–1153-сон қарори

Учинчи бўлим

327. «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги 186-сон қарори
328. «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги 188-сон қарори

Бешинчи бўлим

329. «Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 июлдаги 157-мх сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1980*)
330. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 4 июлдан 10 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

323 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги ПФ–1701-сон Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Бадий академияси таркибидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибига ўтказилганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги ПФ–1701-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 июль,
ПФ–4118-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**324 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 33 645 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофик, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги

ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 июль,
ПФ-4119-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

325 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Қуйидаги, 2008 йил 11 сентябрь куни Боку шаҳрида имзоланган:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги кейинги чора-тадбирлар тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва комбинацияланган ташишларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий ахборотларни ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида гуманитар соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан Озарбайжон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлиги

ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Озарбайжон Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги ўртасида ахборот ҳамда коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 июль,
ПҚ-1150-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

326 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Баҳрайн Қироллиги Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва мол-мулк солиқларини тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш тўғрисида 2009 йил 5 июнь кунини Тошкент шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли ва-

зирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 июль,
ПҚ-1153-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

327 Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашни ўтказиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторлар фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзбекэнерго» ДАК фаолият кўрсатаётган, электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажараётган хусусий операторлар билан биргаликда 2009 йил 1 сентябргача бўлган муддатда уларнинг фаолияти ушбу қарорда белгиланган талабларга мувофиқлаштирилишини ҳамда зарур даражада бажарилишини таъминласин.

3. «Ўзбекэнерго» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавэнерго-назорат» инспекцияси билан биргаликда:

2010 йил 1 январгача хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторлар ўртасида танлов бўйича танлашнинг ўтказилишини, уларга электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари берилишини 3-иловадаги жадвалга мувофиқ таъминласин;

худудида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари хусусий операторларга берилиши таклиф қилинаётган қолган туманлар (шаҳарлар) рўйхатини, шунингдек тегишли танлов бўйича танлашларни ўтказиш жадвалларини уч ой муддатда тайёрласин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 июль,
186-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 4 июлдаги 186-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни
йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторларни
ташқил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашни
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом инвесторларни танлов бўйича танлаш, кейинчалик улар томонидан электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари бериладиган хусусий операторларни ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини хусусий операторларга бериш:

электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни бошқариш ва ҳисобга олишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

электр энергияси беришда унинг нотехнологик нобудгарчиликларини камайтириш;

берилган электр энергияси учун тўловни самарали йиғиш мақсадида амалга оширилади.

3. 110 кВ ва ундан юқори кучланишли тармоқларга бевосита уланган истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловни йиғиш функциялари хусусий операторларга берилмайди.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

худудий электр тармоқлари корхонаси — электр таъминоти шартномаси бўйича электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

электр энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи) — электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергиясидан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

фаолият худуди — худудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъ-

молчиларнинг тармоқлари билан аниқ белгиланган бўлиниш чегараларига эга бўлган тегишли ҳудуддаги тақсимловчи электр тармоқлари участкаси;

инвестор — хусусий операторни ташкил этиш ва хусусий операторга юкланадиган вазифалар ва мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини таъминлаш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти;

хусусий оператор — инвестор томонидан ташкил этиладиган ва электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларни бажарадиган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти.

II. Танлов бўйича танлашга тайёрланиш

5. «Ўзбекэнерго» ДАК инвесторларни танлов бўйича танлаш ўтказилгунга қадар ҳудудда электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан хусусий операторларга берилишини амалга ошириш мўлжалланаётган туманлар (шаҳарлар) рўйхатини тузади.

Рўйхатга биринчи навбатда улар бўйича электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишнинг паст даражаси шаклланган туманлар (шаҳарлар) киритилади.

6. Инвесторлар томонидан электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари бериладиган хусусий операторлар ташкил этилиши учун инвесторлар ўртасида танлов бўйича танлашни ўтказиш рўйхати ва жадвали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилади ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

III. Танлов комиссияси ишини ташкил этиш

7. Танлов бўйича танлашнинг тасдиқланган жадвалига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори билан тегишли минтақаларда танлов комиссиялари тузилади.

Танлов комиссиясининг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори билан тасдиқланади.

Танлов комиссияси таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўзбекэнерго» ДАК ва унинг корхоналари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси вакиллари киритилади.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши ва камида 9 кишидан иборат бўлиши керак.

Танлов комиссиясига тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади.

8. Танлов комиссияси қўйидаги функцияларни бажаради:

а) танлов комиссиясининг иш регламентини тасдиқлайди;

б) инвесторларнинг танлов таклифлари таркибини (форматини), танлов бўйича танлаш қатнашчиларига қўйиладиган малака талабларини ва бошқа талабларни тасдиқлайди;

в) танлов бўйича танлашни эълон қилиш санасини, танлов ҳужжатларини олиш жойини, инвесторлар томонидан танлов таклифлари бериш муддатини, танлов таклифларини очиш жойи, санаси ва вақтини белгилайди;

г) белгиланган муддатда инвесторларнинг танлов таклифлари билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштирилиши ва ҳоказоларни) текширади ва буюртманомалар конвертларини очиш протоколинини тасдиқлайди;

д) зарурият бўлганда танлов таклифларини баҳолаш учун мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб қилади;

е) танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ танлов таклифларини кўриб чиқади ва танлов бўйича танлаш ғолибини эълон қилади ёки танловни бўлиб ўтмаган деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ж) танлов комиссияси олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

9. Агар танлов комиссияси мажлисида унинг аъзоларидан камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси қарорлари ваколатли бўлади. Қарор танлов комиссиясининг мажлисда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

10. Танлов комиссиясининг қарори протоколлар шаклида, ёзма равишда расмийлаштирилади ва беш иш куни мобайнида қатнашчиларга етказилади.

11. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси танлов бўйича танлашнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

12. Танлов бўйича танлаш ташкилотчиси:

а) танлов комиссияси аъзолари чақирилишини, уларга иш хоналари, мажлисларни ўтказиш учун ташкилий-техника ва сарфлаш материаллари берилишини ташкил этади ҳамда танлов бўйича танлашни ўтказиш бўйича бошқа сарф-харажатларни қоплайди;

б) таклифномаларни жўнатади ва танлов комиссиясининг топшириғи бўйича ёзишмалар олиб боради;

в) қатнашчиларнинг танлов таклифларини қабул қилади ва конвертлар очилгунга қадар танлов комиссияси белгилаган тартибда танлов таклифларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва махфийлигини таъминлайди;

г) танлов комиссияси томонидан жалб қилинадиган экспертлар ва мас-

лаҳатчилар фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек уларга ҳақ тўлаш харажатларини қоплайди.

IV. Танлашни ўтказиш бўйича танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш

13. «Ўзбекэнерго» ДАК инвесторларга қўйиладиган тасдиқланган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашга доир танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади.

«Ўзбекэнерго» ДАК танлов ҳужжатларини улар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва «Ўздав-энергоназорат» инспекцияси билан келишилгандан кейин тасдиқлайди.

14. Танлов ҳужжатларида қуйидаги асосий маълумотлар бўлиши керак:

а) бўлажак хусусий операторнинг фаолияти доираси, шу жумладан ҳудудий доирасида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғиш функциялари хусусий операторга бериладиган электр тармоқлари жойлашган участка (туман, шаҳар) жойининг тавсифи;

б) фаолият ҳудудида танлов бўйича танлаш эълон қилинган санада амал қиладиган ёки кейинги йилга тасдиқланган электр энергияси нобудгарчилиги нормативлари;

в) тариф гуруҳлари бўйича фаолият ҳудудида истеъмолчилар сони ҳамда электр энергиясининг ойлик ва йиллик истеъмол қилиш ҳажми;

г) танлов бўйича танлашни ўтказиш шартлари, танлов таклифларини бериш ва кўриб чиқиш муддати ҳамда потенциал талабгорнинг танлаш қатнашчиларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар (маълумотлар);

д) танлов таклифининг мазмунига қўйиладиган талаблар ва бизнес-режа;

е) банк кафолатини беришга қўйиладиган талаблар;

ж) қайд этилган вақт даври мобайнида танлов бўйича танлаш қатнашчисининг таклифи қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган танлов бўйича танлашда қатнашиш учун гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби;

з) танлов бўйича танлаш ғолиби билан тузиладиган шартноманинг шакли;

и) танлов бўйича танлашларни ўтказишга нисбатан «Ўзбекэнерго» ДАК вакилидан тушунтиришлар олиш учун манзил, телефонлар (факс) рақами ва электрон почта манзили;

к) танлов бўйича танлаш ғолибини аниқлаш мезонлари ва тартиби.

V. Танлов бўйича танлашни ўтказиш ва ғолибни аниқлаш тартиби

15. «Ўзбекэнерго» ДАК хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашнинг тасдиқланган жадвалига мувофиқ

оммавий ахборот воситаларида танлов бўйича танлашни ўтказиш тўғрисида эълон беради. Эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- а) танлов бўйича танлашни ўтказишнинг асосий шартлари;
- б) хусусий операторнинг таклиф этаётган фаолият ҳудуди;
- в) инвесторга қўйиладиган асосий талаблар;
- г) дастлабки малака аниқлашни ва танлов бўйича танлашни ўтказиш жойи ва муддатлари;
- д) танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари;
- е) танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

16. Қуйидаги:

- а) танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этмаган;
- б) тугатиш ёки банкротлик босқичидаги;
- в) танлов бўйича танлаш эълон қилинишидан бир йилдан кам бўлган муддатда таъсис этилган;
- г) «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокама-си ҳолатида бўлган инвесторлар танлов бўйича танлашда қатнашишга қўйилмайди.

17. Танлов ҳужжатларини олиш учун инвесторлар ўтказиладиган танлов бўйича танлаш доирасида олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолайдилар ва «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказдилар.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов бўйича танлаш эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ортиқ бўлмаслиги керак.

Гаров суммаси танлов бўйича танлаш эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Танлов бўйича танлаш қатнашчилари танлов ҳужжатларида кўрсатилган муддатдан кечикмай танлов комиссиясига ўз танлов таклифларини тақдим этишлари керак.

19. Қатнашчилар танлов таклифлари билдирилган конвертга қуйидагиларни жойлайдилар:

фаолияти мақсади электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш бўйича хусусий оператор функцияларини бажаришдан иборат бўлган юридик шахсни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши бўйича бизнес-режа;

инвесторнинг охириги ҳисобот йили учун йиллик молиявий ҳисоботи ва у бўйича миллий ёки халқаро стандартларга мувофиқ тузилган мустақил аудиторнинг хулосаси;

инвесторнинг хусусий оператор штатини электр энергетикаси, иқтисодиёт ва молия соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг зарур сони билан бутлаш мажбурияти;

инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича

бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

танлов ҳужжатларида назарда тутилган бошқа зарур ҳужжатлар (маълумотлар).

20. Хусусий операторни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши бўйича бизнес-режа камида уч йилга тузилиши ва қуйидаги асосий параметрларни назарда тутиши керак:

инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов бўйича танлаш эълон қилинган пайтда амал қилинган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч барабар қийматиغا тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати берилиши;

танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ электр энергияси истеъмолчиларига зарур даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

бир киловатт-соат ҳисобига сўмлардаги мутлақ ифодада ёки хусусий оператор томонидан йиғилган тўловдан ҳисоблаб чиқариладиган истеъмолчилар учун электр энергиясига ўртача тарифга нисбатан фоизларда хусусий операторни мукофотлашнинг чекланган миқдори.

21. Танлов комиссияси тақдим этилган таклифларни уларнинг барча белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда таклифи бошқа таклифларга таққослаганда хусусий операторнинг мукофот суммаси чиқариб ташлангандан кейин электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни энг кўп ва самарали йиғишга эришиш имконини берадиган инвесторни танлайди.

22. Инвестор томонидан танлов таклифи тўлиқ бўлмаган ҳажмда ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда танлов таклифи танлов бўйича танлашда қатнашишга қўйилмайди ва инвесторга қайтарилади.

23. Фақат битта қатнашчи иштирок этган танлов бўйича танлаш бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

VI. Яқуний қоидалар

24. «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг мулки бўлган электр энергиясини бериш ва тақсимлаш электр тармоқлари берилиши, сотилиши ва хусусий операторнинг мулки сифатида беришнинг шакллари, гаров предмети ёки уларнинг ўзгага берилиши ёки йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлмаган бошқа ҳаракатларнинг предмети бўлиши мумкин эмас.

25. Инвестор, танлов комиссияси, «Ўзбекэнерго» ДАК ва танлов бўйича танлашнинг ташкилотчиси ўртасида пайдо бўладиган барча низоли масалалар қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

26. Қуйидагилар:

тушаётган танлов таклифларининг зарур тарзда ҳисобга олиниши, улар-

нинг сақланиши ва махфийлиги таъминланиши учун — «Ўзбекэнерго» ДАК ва танлов бўйича танлаш ташкилотчисининг масъул шахслари;

ўтказиладиган танлов бўйича танлаш тўғрисидаги махфий ахборот ошкор қилинмаслиги, унинг қатнашчилари, комиссиянинг бошқа аъзолари билан олдиндан келишиб олишга йўл қўйилмаслиги учун — танлов комиссияси раиси ва аъзолари, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг масъул шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

27. Тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган танлов бўйича танлаш ҳолиби қонун ҳужжатларида ва тузилган шартномада назарда тутилган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 4 июлдаги 186-сон қарорига
2-ИЛОВА

Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторлар фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари бериладиган хусусий операторлар фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

худудий электр тармоқлари корхонаси — электр таъминоти шартномаси бўйича электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

электр энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи) — электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергиясидан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

фаолият худуди — худудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчиларнинг тармоқлари билан аниқ белгиланган бўлиниш чегараларига эга бўлган тегишли худуддаги тақсимловчи электр тармоқлари участкаси;

инвестор — хусусий операторни ташкил этиш ва хусусий операторга юкланадиган вазифалар ва мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини таъминлаш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти;

хусусий оператор — инвестор томонидан ташкил этиладиган ва электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларни бажарадиган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти.

3. Хусусий оператор томонидан йиғилиши керак бўлган, мақсадли

ҳажми ҳисобланган норматив нобудгарчиликлар (электр энергиясини беришдаги физик жараёнлар билан белгиланадиган) чегириб ташланган ҳолда хусусий оператор фаолияти ҳудудининг ҳисобга олиш нукталари тармоғида бериладиган, пировард истеъмолчилар учун ўртача тарифга кўпайтирилган электр энергияси ҳажми сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Тегишли равишда, тушумнинг йиғилиши ушбу даражага зид равишда ҳисоблаб чиқарилади.

II. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан хусусий операторга бериш тартиби

4. Танлов комиссияси томонидан танлов бўйича танлаш ёлиб инвестор аниқлангандан кейин бир ой муддатда, ёлиб инвестор танлов комиссияси томонидан такдим этилган бизнес-режа параметрларига мувофиқ, белгиланган тартибда хусусий операторни ташкил этади ва рўйхатдан ўтказилади.

5. Хусусий оператор давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ҳудудий электр тармоқлари корхонаси хусусий операторга:

хусусий оператор фаолияти ҳудудидаги истеъмолчиларнинг хатловдан ўтказилиши бўйича материалларни ва энергия таъминотига оид тузилган шартномаларни;

хусусий операторнинг фаолият ҳудудидаги электр-тармоқ хўжалиги объектларининг хатловдан ўтказилиши бўйича материалларни техник ҳолат тўғрисидаги маълумотлар билан бирга беради.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва хусусий оператор хатловдан ўтказиш бўйича материаллар берилган кундан бошлаб уч кун муддатда топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолайдилар.

6. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва хусусий оператор фаолияти ҳудудидаги электр энергиясини ҳисобга олиш нукталарини (етказиб бериш нукталарини) биргаликда белгилайдилар.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларининг электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари хусусий операторга берилгунга қадар электр энергиясини ҳисобга олишнинг кўрсатилган нукталарида ўрнатилишини таъминлайди.

Ҳисобга олишнинг келишилган нукталарида ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва хусусий операторнинг вакиллари томонидан пломбаланиши керак.

7. Хусусий оператор давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уч кун муддатда ваколатли банкка:

хусусий операторнинг жорий фаолиятини молиялаштириш учун асосий талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда жорий ҳисоб рақами деб аталади);

электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш учун иккиламчи жамғариб бориладиган ҳисоб рақами очади.

Хусусий операторнинг банк ҳисоб рақамлари реквизитлари очилган пайтдан бошлаб уч кун муддатда ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этилади.

Хусусий оператор ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан келиш-масдан банк ҳисоб рақамлари реквизитларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

8. Хусусий оператор давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан:

а) электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартномани;

б) бухгалтерия ҳужжатлари, электр энергияси учун истеъмолчиларнинг қарзлари тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур маълумотларни хусусий операторга бериш муддатлари, шартлари ва регламентини белгилайдиган протоколни имзолайди.

9. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома хусусий оператор билан икки йил муддатга тузилади. Томонлар шартнома шартларини бажарган тақдирда унинг амал қилиши ҳар бир навбатдаги йилга узайтирилади.

Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома имзоланган пайтдан бошлаб ўн кундан кечикмай кучга киради.

Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома кучга кириши билан бир вақтда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси хусусий операторга:

а) истеъмолчиларда ва хусусий оператор фаолияти ҳудудининг электр энергияси етказиб бериш нуқталарида ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинганлиги;

б) электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғилганлиги юзасидан ишончнома беради.

10. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича тузилган шартномага мувофиқ хусусий операторнинг фаолияти ҳудудида электр энергияси учун истеъмолчилар ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасида ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусий оператор орқали амалга оширилади.

11. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартномада:

а) хусусий операторнинг фаолияти ҳудудидаги етказиб бериш нуқталарида, шунингдек ҳар бир истеъмолчи бўйича ва истеъмолчиларнинг тариф гуруҳлари бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш тартиби натура ва пул ифодасида;

б) хусусий оператор бўйича тўлаш учун ҳисоб рақамларини тақдим этиш ва тушган тўловларни ҳисобга олиш тартиби;

в) электр энергиясининг ҳар бир истеъмолчиси бўйича тўлаш учун ҳисоб рақамларини тақдим этиш ва тушган тўловларни ҳисобга олиш тартиби;

г) истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш ва хусусий операторга мукофот тўлаш тартиби;

д) эътироз-даъво ишлари юритилишида хусусий оператор ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси функциялари чегараланиши;

е) истеъмолчиларга етказиб бериладиган электр энергиясининг узлуксизлиги, ўз вақтида етказиб берилиши ва сифати ҳамда унинг учун ҳисоб-китоб қилиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва хусусий операторнинг мажбуриятлари ва жавобгарлигини чегаралаш;

ж) электр энергиясини истеъмол қилувчиларда ва хусусий операторнинг фаолият ҳудудидаги электр энергиясини етказиб бериш нуқталарида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш тартиби;

з) истеъмолчиларда ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини пломбалаш тартиби;

и) ҳудудий электр тармоқлари корхонасига истеъмолчилар томонидан электр энергияси учун тўлов бўйича ҳисоботлар ва маълумотларни тақдим этиш тартиби (ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай);

к) хусусий операторнинг буюртмаси бўйича истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш ва тармоқлардан узиш тартиби;

л) истеъмолчиларнинг ва/ёки хусусий операторларнинг буюртманомалари бўйича таъмирлаш ишларини амалга ошириш тартиби;

м) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қоидалар.

12. Хусусий оператор электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома кучга киргандан кейин бир ой муддатда фаолият ҳудудидаги истеъмолчилар билан электр энергияси учун тўловни йиғиш бўйича шартнома тузади.

Электр энергияси истеъмолчилари билан шартномалар тузилгандан кейин хусусий операторнинг фаолият ҳудуди электр энергияси учун барча тўловлар фақат хусусий операторнинг транзит ҳисоб рақамига тушиши керак.

13. Электр энергияси учун тўлов йиғиш бўйича хусусий оператор билан электр энергияси истеъмолчилари ўртасида шартномалар тузиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Хусусий операторнинг даромадларини шакллантириш

14. Хусусий операторнинг даромадлари ҳисобот даврида истеъмолчилар томонидан тўланиши керак бўлган сумманинг 90 фоизидан ортиқ тўлов йиғилишини таъминлаш шarti билан (яъни тушум 90 фоиздан ортиқ йиғилган тақдирда) истеъмолчиларга берилган электр энергияси

учун йиғилган тўловдан унга қолдириладиган мукофот пули ҳисобига шакллантирилади.

15. Оператор томонидан йиғиш даражасининг 90 фоиздан ортиқ йиғилган электр энергияси учун тушум сифатида ҳисоблаб чиқариладиган, хусусий операторга мукофот пули сифатида берилиши керак бўлган сумма унинг тушуми ҳисобланади.

Хусусий операторнинг мукофот пули суммасини ҳисоблаб чиқариш тартиби танлов бўйича танлаш ўтказилгунга қадар «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳисоб-китоблари асосида Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган формула бўйича аниқланади. Бунда мукофот пули сифатида хусусий операторга берилиши керак бўлган маблағлар улуши тушум йиғилиши кўрсаткичи ўсишига қараб ошиши мумкин.

Истеъмолчилар учун электр энергияси учун тарифлар ўзгарган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига хусусий операторга тўланиши керак бўлган сумма, амалга оширилган аванс тўловларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқилади.

16. Хусусий оператор ташкил этилгунга қадар электр энергияси учун тушум йиғилиши даражаси 80 фоиздан ортиқ бўлмаган туманларда (шаҳарларда) хусусий оператор фаолият кўрсатиши даврининг дастлабки ойларида (бирок 9 ойдан ортиқ эмас) ундан бошлаб операторнинг даромадлари шаклланидиган, босқичма-босқич 90 фоизгача оширган ҳолда тушум йиғилишининг пасайтирилган мақсадли энг кам даражаси белгиланишига йўл қўйилади. Ушбу ҳолатда хусусий оператор билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тушум йиғилишининг белгиланган мақсадли энг кам даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, операторга мукофот пули сифатида қолдириладиган ушбу даражадан ортиқча йиғилган тушум улуши эса «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳисоб-китоблари асосида Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган формула бўйича аниқланади.

Тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражасининг ҳар ойлик ошиши миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П = (У_{C1} - У_{C2}) / Т, \text{ бунда:}$$

П — тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражаси миқдори;

Т — тушум йиғилишининг пасайтирилган мақсадли энг кам даражасини тақдим этиш даври;

$У_{C1}$ — тушум йиғилишининг 90 фоизли даражаси;

$У_{C2}$ — электр энергияси учун тўловни йиғиш функциялари хусусий операторга берилган пайтдан олдинги давр учун тушум йиғилиши даражаси.

Оператор ишлаган биринчи ойда тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражаси $У_{C2} + П$ сифатида аниқланади.

Туманлар (шаҳарлар) бўйича тушум йиғилишининг пасайтирилган мақсадли энг кам даражасини белгилаш муддатлари:

$У_{C_2}$ холатида камида 60% бўлганда — 9 ойдан;

$У_{C_2}$ холатида камида 70% бўлганда — 7 ойдан;

$У_{C_2}$ холатида камида 80% бўлганда — 5 ойдан ошмаслиги керак.

17. Агар хусусий оператор тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражасига эришмаса, тегишли давр учун унга мукофот пули ҳисобланмайди.

18. Хусусий оператор электр энергияси учун тўлов йиғиш функциялари хусусий операторга берилгунга қадар ҳосил бўлган истеъмолчиларнинг электр энергияси учун қарзларини юқорида кўрсатилган механизмга мувофиқ хусусий операторнинг даромадини шакллантирган ҳолда ундириб олиши мумкин.

IV. Етказиб берилган электр энергияси учун хусусий оператор билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

19. Электр энергияси учун тўлов йиғилишини таъминлаш бўйича шартнома кучга киргунга қадар ва ушбу шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида инвестор қуйидаги ҳолларда тушум тушишини таъминлайдиган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига банк кафолатини қўяди:

хусусий оператор етказиб берилган электр энергияси учун маблағларнинг 90 фоизи даражасига эришмаганда;

ёки электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғишни таъминлаш бўйича шартномада кўрсатилган даражада ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига тўловларни таъминламаса.

Банк кафолати амалдаги тарифлар бўйича хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергиясини сотиш ўртача ойлик ҳажмининг уч барабар қийматига тенг бўлган суммага қўйилади.

Инвестор қуйидаги ҳолларда банк кафолатини юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорда қўйган ҳолда янгиллаши шарт:

а) агар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси пул маблағларини кафолат бўйича унинг чекланган суммасининг 50 фоизидан ортиқ суммада ундириб олса;

б) электр энергиясига тарифлар ошган тақдирда.

20. Хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергияси учун истеъмолчилардан тушган барча пул маблағлари (пеня ва жарималар ҳам шу жумлага киради) тўлиқ ҳажмда унинг транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Пул маблағларини бошқа манбалардан транзит ҳисоб рақамига ўтказиш тақиқланади, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун инвестор томонидан операторнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ўтказиладиган маблағлар бундан мустасно.

21. Транзит ҳисоб рақамидан пул маблағлари:

а) электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғилишини таъмин-

лаш бўйича шартномага мувофиқ электр энергияси учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига;

б) хусусий операторни тақдирлаш учун жорий ҳисоб рақамига ўтказилади.

22. Истеъмолчилардан хусусий операторнинг транзит ҳисоб рақамига тушган тушумнинг камида 90 фоизи миқдоридаги пул маблағлари ҳар куни ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ўтказилади.

23. Ҳисобот оyiда электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғишни таъминлаш бўйича шартномада кўрсатилган тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражаси оширилиши хусусий оператор томонидан таъминланган тақдирда транзит ҳисоб рақамида қолган суммада ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан келишув бўйича хусусий операторни тақдирлаш пули суммаси унинг жорий ҳисоб рақамига ўтказилади.

24. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғишни таъминлаш бўйича шартномада кўрсатилган тўловлар ҳисобот оyi учун тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражасидан кам бўлган тақдирда хусусий оператор пул маблағлари қолдигини транзит ҳисоб рақамидан ҳисобот оyi учун электр энергияси бўйича қарзларни қайтариш учун зарур бўлган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ҳисобот оyi учун электр энергияси бўйича қарзларни тўлаш учун транзит ҳисоб рақамидан ўтказилган пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси хусусий операторга қарзларни инвестор томонидан қўйилган банк кафолати ҳисобига тўлаш талабини қўяди. Кўрсатиб ўтилган қарзларни тўлаш ақцептсиз тартибда амалга оширилади.

25. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тушган тўловлар ҳисоби хусусий оператор томонидан истеъмолчилардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

Бу ҳолда истеъмолчиларда ўрнатиладиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакиллари ва хусусий оператор томонидан биргаликда пломбаланиши керак.

Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда хусусий оператор, кейинчалик амалда истеъмол қилинган электр энергиясига қайта ҳисоблаган ҳолда, истеъмолнинг шартнома миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилади, унинг миқдори белгиланган тартибда хусусий оператор ва/ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи томонидан белгиланади.

26. Мониторингни таъминлаш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси хусусий оператор билан биргаликда ҳисобот оyi тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида хусусий оператор фаолияти ҳудудининг электр энергиясини ҳисобга олиш нуқталарида ўрнатиладиган ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олади.

V. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

27. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси учун ис-

теъмомчилардан тўловни йиғиш функциялари хусусий операторга берилгандан кейин:

а) истеъмомчилар билан электр таъминоти шартномаларини белгиланган тартибда тузиши;

б) тузилган электр таъминоти шартномаларига мувофиқ электр энергияси истеъмомчиларини таъминлаши;

в) ўзининг электр-тармоқ хўжалиги объектларида электр энергияси сифатини давлат стандартлари томонидан белгиланган кўрсаткичлар даражасида сақлаши;

г) хусусий оператор фаолияти ҳудудида электр-тармоқ хўжалиги объектларидан фойдаланилиши, шу жумладан ушбу объектларни таъмирлаши ва реконструкция қилиши;

д) электр энергиясини бериш ва тақсимлаш бўйича хизматлар кўрсатиши;

е) ўзининг электр-тармоқ хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчиликларини қисқартиришга доир ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

ж) электр энергияси тармоқлари ажралиши чегарасида ҳисобга олинмаган истеъмомли аниқлаши;

з) истеъмомчилар томонидан буюртма берилган электр энергияси ҳажмини беришнинг техник имкониятларини ва уларнинг тижорат ҳисоби тизимлари қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаши;

и) истеъмомчиларнинг электр тармоқлари ва қурилмаларини ўзининг ҳудудий электр тармоқларига улаш юзасидан техник шартлар бериши;

к) электр энергияси истеъмомчиларига белгиланган тартибда ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёни билан берилишини таъминлаши шарт.

28. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўзининг айби билан электр таъминотидаги узилишлар ва белгиланган давлат стандартларига ва электр энергияси сифати кўрсаткичларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги учун истеъмомчиларнинг эътирозлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (шу жумладан моддий) жавоб беради.

29. Хусусий оператор:

а) бизнес-режанинг, электр энергияси учун истеъмомчилардан тўлов йиғилишини таъминлаш бўйича шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаши;

б) электр таъминоти шартномаси асосида электр энергияси учун тўловни йиғиш бўйича фаолиятнинг ўз ҳудуди истеъмомчилари билан белгиланган тартибда шартнома тузиши;

в) истеъмомчилар томонидан электр энергиясидан рухсат берилмаган фойдаланишларни аниқлаш ишларини олиб бориши;

г) ўз фаолияти ҳудудида истеъмомчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиши;

д) ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ўз фаолияти ҳудудида ўрна-

тилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларидан ёзиб олинган маълумотларни тақдим этиши шарт.

Хусусий оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни амалга ошириши мумкин.

30. Хусусий оператор ўзининг электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда:

а) инвестор қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий операторнинг ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан қарзларининг қайтарилишини амалга оширади;

б) хусусий операторнинг ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан қарзлари инвестор томонидан тўланмаган тақдирда электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғишни таъминлаш бўйича шартноманинг амал қилиши ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан бир томонлама тартибда тўхтатилиши мумкин.

Бунда электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғиш функциялари бажарилиши даврида ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан ҳосил бўлган қарзларни қайтариш бўйича мажбуриятлар хусусий оператор ва инвестор зиммасида сақланиб қолади.

31. Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва хусусий оператор билан ўзаро муносабатлари ушбу Низом, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VI. Электр энергиясини ҳисобга олиш

32. Хусусий операторнинг фаолияти ҳудудига етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмини ҳисобга олиш ҳисобот даврида электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

33. Электр энергияси истеъмолчиларига етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмини ҳисобга олиш ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва хусусий операторлар томонидан, ҳисоб-китоб даври учун истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

34. Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми ҳисобга олинишини таъминлаш учун хусусий оператор истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олади ва ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси истеъмоли ҳажмини қайд қилади.

Ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичлар ёзиб олинмаган ёки электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчилар томонидан тақдим этилмаган ҳолларда хусусий оператор ўзи истеъмолчи билан биргаликда аниқлаган амалда истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмини кейинчалик ҳисоб-китоб қилган ҳолда электр энергияси истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилади.

35. Хусусий оператор ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ҳисобкитоб ойдан кейинги ойнинг 10-кунига:

иктисодиёт тармоқлари бўйича электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги (9 ПС ва 23-Н шакл бўйича);

истеъмолчилар бўйича тарифлар қўлланилиши тўғрисидаги (46-Э шакл бўйича) маълумотларни ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

36. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома шартлари бажарилиши, шунингдек унинг шартлари бузилган тақдирда хусусий операторга моддий зарар ва бой берилган фойда қопланиши бўйича талаблар қўйиши шарт.

37. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, хусусий оператор ва электр энергияси истеъмолчиси ўзларининг реқвизитлари, юридик манзили ва жойлашган жойи ўзгарганлиги тўғрисида бир-бирларига ўз вақтида маълум қилишлари шарт.

VII. Хусусий оператор фаолиятини тўхтатиш

38. Ушбу Низомга ва электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш таъминланиши бўйича тузилган шартномага мувофиқ инвестор ва/ёки хусусий оператор томонидан ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятлар зарур тарзда бажарилмаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси шартномада кўрсатилган амал қилиш муддати тамом бўлишини кутмасдан шартноманинг амал қилишини тўхтатишга ҳақлидир.

Билдиришнома шартноманинг амал қилиши тўхтатилиши санасидан 30 кун олдин хусусий операторга ёзма шаклда юборилади, у ушбу муддат мобайнида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини қайтариб бериши керак.

39. Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғиш функциялари қайтариб берилганда хусусий оператор ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда ўз фаолияти ҳудуди доирасида электр энергияси истеъмолчиларини ва уларнинг қарзларини тўлиқ хатловдан ўтказди.

Хусусий оператор (инвестор) ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси қуйидаги формула бўйича аниқланадиган қарзларни тўлиқ тўлаши шарт:

$$Z_n = D_n + C_{no} - C_o - D_{no}, \text{ бунда:}$$

Z_n — қарзлар;

D_n — ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан хусусий операторга берилган дебиторлик қарз;

C_{no} — электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари бажарилиши даври учун хусусий оператор томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тўланиши керак бўлган сумма (электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғишни таъминлаш бўйича шартномада кўрсатилган тушум йиғилишининг мақсадли энг кам даражаси);

C_0 — электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функциялари бажарилиши даври учун хусусий оператор томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тўланган сумма;

$D_{по}$ — хусусий оператор томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига берилган дебиторлик қарз.

40. Хусусий оператор электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартнома амал қилиши тамом бўлиши муддатигача ушбу Низомда назарда тутилган талабларга, шартнома шартларига ва ўз зиммасига олган мажбуриятларга риоя қилган тақдирда ўз функцияларини амалга оширишни рад этиши мумкин.

Бунда хусусий оператор электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини шартномага мувофиқ ушбу функциялар белгиланган тартибда тўлиқ қайтадан берилгунгача, бироқ 2 календарь ойдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширишни давом эттиради.

VIII. Яқуний қоидалар

41. Хусусий оператор фаолияти ҳудудида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат белгиланган тартибда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўзбекэнерго» ДАК ва хусусий оператор томонидан амалга оширилади.

42. Хусусий оператор фаолияти ҳудудида норматив нобудгарчиликлар миқдори белгиланган тартибда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан тасдиқланади.

43. Электр энергиясини етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш жараёнида истеъмолчи, хусусий оператор ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасида келиб чиқадиган барча низоли масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

44. «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг мулки бўлган электр-тармоқ хўжалиги объектлари берилиши, сотилиши ва ўзгага беришнинг бошқа шакллари бўйича хусусий операторга мулк қилиб берилиши мумкин эмас, гаров предмети бўлолмайди.

45. Транзит ҳисоб рақамидан маблағларни ушбу Низомда ва электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғишни таъминлаш бўйича шартномада назарда тутилмаган мақсадлар учун ўтказиш ва вақтинча олиш тақиқланади. Хусусий операторнинг транзит ҳисоб рақамидаги маблағлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик ушбу Низомга ва шартномага мувофиқ хусусий операторга ва хизмат кўрсатувчи банкка юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 4 июлдаги 186-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловларни
йиғиш функцияларини берган ҳолда хусусий операторлар
ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича
танлашни ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Минтақалар	Истеъмолчилар (сони)		Танлов савдоларини ўтказиш муддатлари (2009 йил)
		хўжалик юритувчи субъектлар	маиший истеъмолчилар	
1.	Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани	624	52846	сентябрь
2.	Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри	339	18789	сентябрь
3.	Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри	1224	20661	сентябрь
4.	Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри	2259	48386	октябрь
5.	Андижон вилоятининг Андижон шаҳри (шаҳарнинг эски қисми)	1493	39926	октябрь
6.	Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри	1666	27511	ноябрь
7.	Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри	2251	24743	ноябрь
8.	Наманган вилоятининг Наманган шаҳри	2621	52054	декабрь
9.	Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри	1338	32627	декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

328 Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, 2009-2010 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низом доирасида технологик жараёнларни ва хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига таннархни пасайтириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш харажатлари ва қўшимча харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар нархини камайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш натижасида қўшимча даромад (фойда) олиниши қонун бузилишлари деб ҳисобланмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ олинган қўшимча даромад (фойда):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг инқирозга қарши тадбирларга доир қарорларида назарда тутилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишга;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини ва пировард нархини янада пасайтиришга ҳамда ходимларни белгиланган тартибда мукофотлашга йўналтирилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 июль,
188-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

329 Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1980*

(2009 йил 18 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда) 64-моддасига мувофиқ **бюраман:**

1. Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (З. Холмухамедов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника

жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори З. Холмухамедов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 июль,
157-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг 2009 йил 8 июлдаги
157-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга
тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган
ташкilotлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро
ҳужжатларини ижро этиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига (бундан кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) мувофиқ қарздор жисмоний шахсга ташкilotлар ёки бошқа шахслар тўлаётган (бундан кейинги ўринларда ташкilotлар деб юритилади) иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларга (бундан кейинги ўринларда иш ҳақи деб юритилади) ундирувни қаратиш орқали ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Суд ижрочисига ижро этиш учун тақдим этилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ижро ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкilotларга ижро этиш учун юборилади:

даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда;

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги, шу жумладан, йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатлари бўйича ушбу миқдордаги пул суммасини ундиришда;

ундирилаётган суммаларни тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмаганда ёки унинг мол-мулки етарли бўлмаганда.

2. Ундирув қуйидаги пул суммаларига қаратилиши мумкин эмас:

майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги сабабли кўрилган зарарни тўлаш суммаларига;

хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида майиб бўлган (яраланган, ши-

кастланган, контузияга учраган) шахсларга ва мазкур шахслар ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда уларнинг оила аъзоларига тўланадиган суммаларга;

бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга;

алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммаларга;

меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун тўланадиган суммаларга, шунингдек радиация таъсирига учраган шахсларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда тўланадиган суммаларга;

хомиладорлик ва туғиш бўйича тўланадиган нафақа суммаларига;

дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа суммаларига;

қисман ҳақ тўланадиган таътил даврида болани парваришлаш учун тўланадиган суммаларга;

бола туғилиши, қариндошлар вафот этиши, никоҳ тузиш муносабати билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан тўланадиган суммаларга;

хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга;

меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тариқасида тўланадиган суммаларга.

3. Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек, боқувчисининг вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий суғурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин.

4. Бир неча ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақига қаратилганда, ходимда иш ҳақининг эллик фоизи сақланиши лозим.

Миқдори суд томонидан ўрнатилган ва жамланмаси иш ҳақининг эллик фоизидан ошадиган бир неча ижро ҳужжати ижрога тақдим қилинганда, қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилот бу ҳақда қарздор ва суд ижрочисини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, қарздорга унинг белгиланган ундирув миқдорини камайтириш тўғрисида судга даъво аризаси билан муносабат қилиш ҳуқуқи ёзма равишда тушунтирилади.

Ушбу ҳолларда қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот кейинги ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун суд ижрочисига иш ҳақи тўланадиган кунлар ҳақида ёзма маълум қилади.

5. Ижро ҳужжати, шунингдек ижро ҳужжати ижросини таъминлаш бўйича тақдим этилган суд ижрочиси талабномасининг бажарилиши мажбурийдир ва фақат суд ёки суд ижрочиси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши мумкин.

II. Ундирувни иш ҳақига қаратиш тартиби

6. Қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълумот мавжуд бўлганда, суд ижрочиси ундирувни иш ҳақига қаратишни 1-иловага мувофиқ ижро ҳужжатининг аслини илова қилган ҳолда Иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолиш тўғрисидаги

талабномани (бундан кейинги ўринларда талабнома деб юритилади) қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилотларга тақдим этади. Суд ижрочиси қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақидаги маълумотлар тўғрилигини мазкур ташкилотларга сўровнома юбориш орқали текширишга ҳақли.

Ташкилотга ижро ҳужжатининг асли ижро этишлик учун юборилганда, суд ижрочиси ижро иш юритувида унинг нусхасини сақлайди.

Ижро ҳужжатининг асли илова қилинган талабномани тақдим қилиш қўлда, реестр бўйича почта ёки курьерлик хизмати орқали амалга оширилади.

7. Суд ижрочиси қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қарздорнинг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг филиалига ягона маълумотлар базасидан жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги қарздорнинг шахсий ҳисоби бўйича махсус маълумотни олиш учун сўровнома юборади.

Қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ташкилот бу ҳақда суд ижрочисини дарҳол хабардор қилади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотлар олинганидан сўнг, суд ижрочиси ундирувни қарздорнинг бошқа даромадларига қаратиш тўғрисида қарор чиқаради, кейинчалик талабномага қўйидагиларни илова қилган ҳолда юборади:

ундирувни қарздорнинг бошқа даромадларига қаратиш тўғрисидаги қарор; ижро ҳужжатининг нусхаси.

8. Ижро ҳужжати хато келиб тушган ҳолларда, муассаса, ташкилот ёки бошқа шахслар ижро ҳужжати келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай, мазкур ижро ҳужжатини юборган суд ижрочисига уни қайтардилар.

Ундирувни иш ҳақида қаратишни назарда тутувчи ижро ҳужжати қарздор ишдан бўшагандан сўнг тақдим этилганда, ижро ҳужжатини олган ташкилот ижро ҳужжатини, қарздорга охириги олти ой мобайнида тўланган иш ҳақини кўрсатган ҳолда, буйруқдан кўчирмани, шунингдек қарздорнинг янги яшаш ва иш жойи ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса, уларни илова қилган ҳолда қайтаради.

III. Қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш миқдори

9. Қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган миқдор солиқлар ушлаб қолинганидан сўнг қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.

10. Агар ижро ҳужжатида иш ҳақидан ундириш миқдори кўрсатилмаган бўлса, суд ижрочиси ҳар бир алоҳида ҳолатда ундирув миқдорини белгилашга ҳақли.

11. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсдан ижро ҳужжатлари бўйича ундирув суд ҳукми ёки қарорига кўра амалга оширилган ушлаб қолиш суммасини ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақининг тўлиқ суммаси ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

12. Жазони ижро этиш колонияларида, тарбия колониялари ва қамок-хоналарда жазо ўтаётган шахслардан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслардан ундирув бутун иш ҳақидан, иш ҳақининг уларнинг мазкур муассасалардаги таъминоти бўйича харажатларни қисман қоплаш учун ажратиладиган қисмини ҳам қўшган ҳолда амалга оширилади.

IV. Ундирувчига ушлаб қолинган пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш тартиби

13. Қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот суд ижрочисининг ижро ҳужжати илова қилинган талабномасини олгач, уни мазкур Қоидаларнинг V бўлимида белгиланган тартибда рўйхатга олади ва қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолишни амалга оширади.

14. Қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот ушлаб қолинган пул маблағларини ундирувчига тўлов амалга оширилган кундан эътиборан уч кун ичида тўлаши ёки ўтказиши шарт. Пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш қарздор ҳисобидан амалга оширилади.

15. Пул маблағларини почта хизматлари орқали Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги шахсларга ўтказиш фақат икки томонлама келишув тузилган давлатларга амалга оширилади.

16. Пул маблағларининг почта ўтказмалари ўтказилган манзилга қайтарилганда, улар қарздорга иш ҳақини тўлаган ташкилотнинг ҳисоб рақамига, ундирувчининг (қабул қилувчининг) манзилини аниқлаштириш ҳолатларидан ташқари, кейинчалик ижро ҳужжатини ижрога тақдим этган суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига кўчириш учун ўтказилади. Бунда жўнатмаларни ўтказиш учун олинган тўлов қайтарилмайди.

17. Суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томонидан қонунчиликда ўрнатилган муддатларда талаб қилиб олинмаган ҳолда суд ижрочиси ушбу пул маблағларини давлат даромадига ўтказиш чораларини кўради.

18. Ундирувчи ёки ижро ҳужжати бўйича иш ҳақидан ушлаб қолинган қарздорнинг талаби бўйича ташкилот амалга оширилган ундирувлар юзасидан маълумотнома беришга мажбурдир.

V. Ижро ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлаш

19. Ижро ҳужжатлари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади ва рўйхат рақамига эга бўлади.

20. Ижро ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ижрога келиб тушган ижро ҳужжатларининг ҳисоби юритиладиган Ижрога келиб тушган ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади.

21. Ташкилот ижро ҳужжати рўйхатга олинган куннинг эртасидан кечиктирмай бу ҳақда суд ижрочиси ва ундирувчини рўйхатга олиш маълумотларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

22. Ижрога келиб тушган ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш китоби тикилган, рақамланган, қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилот раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ва сана кўрсатилган ҳолда муҳрланган бўлиши лозим.

Ушбу китобга киритилган ҳар бир ўзгартириш бўйича ўзгартириш киритилган варақнинг паст қисмига белгиланган тартибда изох киритилиб, муҳр билан тасдиқланиши лозим.

23. Қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилотларда қатъий ҳисобда турадиган ижро ҳужжатлари пўлат сейфларда ёки махсус темир шкафларда сақланиши лозим.

Бунда ҳар бир ижро ҳужжати қоида тариқасида ушбу ижро ҳужжати-нинг ижроси билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан бирга алоҳида жилдларда сақланади.

VI. Ушлаб қолишни тугаллаш ва ижро ҳужжатини қайтариш

24. Ижро ҳужжатлари бўйича иш ҳақидан ушлаб қолишни тугаллаш ижро ҳужжати Қонунда белгиланган тартибда тугатилган ёки тамомланганда, шунингдек, алимент мажбуриятлари тугаганида амалга оширилади.

25. Қарздор билан меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинганда, ўқиш тамомланганда (бошқа ўқув юртига ўтказилганда), пенсия ва бошқа даромадларни олиш жойидан кетганда, қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилот бу ҳақда суд ижрочисини дарҳол хабардор қилиши ва унга амалга оширилган ундирувлар бўйича белги қўйилган ижро ҳужжатини қайтариши лозим.

26. Қарздорга иш ҳақи тўлаган ташкилот қузатув хатида барча ушлаб қолинган ва қолган қарздорлик суммасини кўрсатиб, муҳри билан тасдиқлайди, шунингдек, қарздорнинг янги яшаш ва иш жойи ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатади.

VII. Ижро ҳужжати ижроси устидан назорат

27. Қарздорнинг иш ҳақидан ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида суд ижрочилари бўлимларида 3-иловага мувофиқ Ижрога қаратилган ижро ҳужжатларини ҳисобга олиш китоби юритилади.

Ушбу китобнинг юритилишини назорат қилиш суд ижрочилари бўлимларининг катта суд ижрочиларига юклатилади.

28. Қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот кейинги ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмай, суд ижрочисига Ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисидаги маълумотларни (4-илова) тақдим этади.

29. Суд ижрочиси қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот томонидан ижро ҳужжати талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан, ижро ҳужжати бўйича пул маблағларининг тўғри ушлаб қоли-

ниши ва ўз вақтида ўтказилиши, уларнинг сақланишига ва ҳисобга олинишига доир белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ундирувчининг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан, шунингдек суд ижрочилари бўлими иш режасига кўра текшириш ўтказди. Бундай текширишни ўтказишда қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилотлар тегишли бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни суд ижрочисига тақдим этиши шарт.

30. Текширув натижалари юзасидан ижро ҳужжати бўйича ундирувнинг тўғрилигини текшириш далолатномаси тузилади ва суд ижрочиси, қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот раҳбари ва масъул ходими томонидан имзоланади.

31. Текшириш жараёнида иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби бузилганлиги аниқланганда, суд ижрочиси масъул шахсларга қонунчиликда назарда тутилган чораларни кўради.

VIII. Якуний қоидалар

32. Мазкур Қоидалар талабларини бузган айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

33. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ХАЙТОВ

2009 йил 3 июль

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 3 июль

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи
ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни
тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар
томонидан ижро ҳужжатларини ижро
этиш қоидаларига
1-ИЛОВА

_____ раҳбарига
(ташкилот ёки бошқа шахс номи)

_____ Иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарздор)

_____ (ундирувчи номи ва манзили)

**Иш ҳақи ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлардан
ушлаб қолиш тўғрисида
ТАЛАБНОМА**

_____ суд ижрочилари бўлими
(Суд ижрочилари бўлими номи)

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатла-
рини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 64-моддасига мувофиқ қарздор
_____ дан _____ фойдасига

(қарздор Ф.И.Ш.)

(Ундирувчи номи ёки Ф.И.Ш.)

_____ ундириш тўғрисидаги 20__ йил «___» _____ да
(ижро ҳужжати талаби) (ижро ҳужжати берилган сана)

_____ томонидан берилган қарздорнинг
(ижро ҳужжатини берган суд/орган номи)

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларидан ушлаб қолиш учун
ижро ҳужжатини юбормоқда.

Қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг _____ фоизи
(ушлаб қолиш миқдори)

ушлаб қолинсин ва ушлаб қолинган пул маблағлари ўз вақтида _____
_____ тўлансин (ўтказилсин).

(ундирувчининг манзили, ҳисоб рақами ва бошқа муҳим маълумотлар)

Қарздор билан меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинганида,
ўқиш тамомланганида (бошқа жойга ўтказилганида), пенсия ва бошқа да-
ромадларни олиш жойидан кетганда, шунингдек ижро ҳужжати амалда
бажарилган тақдирда бу ҳақда суд ижрочиси дарҳол хабардор қилинсин
ва унга ижро ҳужжатини амалга оширилган ундирувларни белгилаган ҳолда
қайтарилсин.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғри-
сидаги қонунчиликни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий
жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198²-моддасига мувофиқ ҳамда суд

хужжатини ижро этмаслик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси билан огоҳлантириласиз.

_____ варақдан иборат ижро хужжатининг асли (нусхаси) илова қилинади.

Катта суд ижрочиси _____

Суд ижрочиси _____

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларига
2-ИЛОВА

**Ижрога келиб тушган ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Ижро ҳужжатини ижрога қаратиш санаси ва суд ижрочисининг Ф.И.Ш	Ижро ҳужжатини ижрога қаратувчи	Қарздор	Ундирувчи	Ундирувчи манзили	Ижро ҳужжати талаби	Ундирув миқдори %	Ижро ҳужжатини қайтариш санаси ва асоси
1.								
2.								

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларига
3-ИЛОВА

329-модда

**Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижрога қаратилган ижро ҳужжатларини ҳисобга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Ижро иши рақами ва суд ижрочисининг Ф.И.Ш	Қарздор	Ундирувчи	Ижро ҳужжати талаби	Ташкилот томонидан ижрога қаратиш санаси	Ташкилот номи ва манзили	Ундирув миқдори %	Ижро қилинганлик тўғрисида белги
1.								
2.								

— 38 —

28 (372)-сон

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларига
4-ИЛОВА

**Ижро ҳужжатлари бўйича иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловлардан
пул маблағларини ундириш тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Қарздор	Ундирувчи	Қарздорнинг иш ҳақи	Ушлаб қолинган солиқлар	Ундирув миқдори %	Ундирув суммаси	Пул маблағини тўлаш (жўнатиш) санаси	Тўлов ҳужжати рақами
1.								
2.								

Раҳбар _____

М.Ў.

Масъул ходим _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

330 Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981*

(2009 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-модда, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда) мувофиқ, шунингдек олий таълим муассасалари талабаларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2009 йил 3 сентябрдан кучга киради.

Вазир

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 июнь,
204-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат
қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солиди.

I. Умумий қоидалар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рей-

тинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан олий таълим муассасасининг (факультет) ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат — талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

оралиқ назорат — семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан белгиланади;

якуний назорат — семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш» (тиббиёт олий таълим муассасалари учун «Ёзма иш» ёки ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов) шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

7. Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

8. Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтка-

зиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда якуний назорат қайта ўтказилади.

9. Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

10. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:
якуний назоратга — 15 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга — 85 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 85 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

12. Назорат турлари бўйича баллар тақсимоти тиббиёт олий таълим муассасалари учун тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари учун Илмий кенгаш қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланиши лозим.

13. Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлар-аро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси — 100 баллик тизимда баҳоланади.

14. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

а) 86 — 100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

хулоса ва қарор қабул қилиш;
ижодий фикрлай олиш;
мустақил мушоҳада юрита олиш;
олган билимларини амалда қўллаш олиш;
моҳиятини тушуниш;
билиш, айтиб бериш;
тасаввурга эга бўлиш.

б) 71 — 85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;
 моҳиятини тушуниш;
 билиш, айтиб бериш;
 тасаввурга эга бўлиш.

в) 56 — 70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

моҳиятини тушуниш;
 билиш, айтиб бериш;
 тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0 — 55 балл билан баҳоланиши мумкин:

аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
 билмаслик.

15. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудирини томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

16. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ва топшириқлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

17. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

18. Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \times O'}{100}, \text{ бу ерда:}$$

V — семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);
 O' — фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

19. Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балларнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балларнинг 55 фоизидан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралиқ назоратларда тўпланган балларга қўшилади. Акс ҳолда талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат жорий ва оралиқ назоратларнинг баллари йиғиндисидан иборат бўлади (мазкур тартиб тиббиёт олий таълим муассасаларида ректорлар Раёсати қарори асосида белгиланади).

20. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

21. Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

22. Талаба фан бўйича курс лойихаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

23. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Белгиланган муддатларда топширилмаган жорий ва оралиқ назорат баллари кейинги баҳолаш балларига қўшилмайди ва қайта топширишга рухсат берилмайди.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

24. Семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муҳлат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

25. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъздан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

26. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби

27. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг

дафтарчасининг «Ўқув режасида ажратилган соат» устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, «Фандан олинган баҳо» устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

28. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

29. Якуний назорат натижаларига кўра деканат талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

30. Талабанинг рейтингини унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтингини барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

31. Талабалар умумий рейтингини ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

32. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндиси олинади.

33. Талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назоратларда эришган ва тегишли ҳужжатлар (гуруҳ журнали, ўқитувчининг шахсий журнали, рейтинг қайдномаси)да қайд этилган ўзлаштириш кўрсаткичлари деканатлар ва ўқув-методик бошқармаларида компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

34. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

VI. Якуний қоидалар

35. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг ҳолислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

36. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекис-

тон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

*Давлат тест
маркази директори*

Б. ИСМАИЛОВ

2009 йил 9 июнь

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

2009 йил 9 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРОМОВ

2009 йил 9 июнь

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

2009 йил 9 июнь

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

А. ЖАББОРОВ

2009 йил 9 июнь

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори*

А. АРИПОВ

2009 йил 9 июнь

*«Ўзбекистон темир
йўллари» ДАК раиси*

О. РАМАТОВ

2009 йил 9 июнь

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2009 йил 9 июнь

*Ўзбекистон Бадиий
академияси раиси*

Т. ҚЎЗИЕВ

2009 йил 9 июнь

*Навоий кон-металлургия
комбинати бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2009 йил 9 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 4 июлдан 10 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 июлдаги 157-мх сонли буйруғи.*

2009 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1980 (2009 йил 18 июлдан кучга киради).

2. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли буйруғи.*

2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981 (2009 йил 3 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Фойдали қазилма конларини очиқ усул билан қазиб олишда хавфсизлик қоидалари». *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. «Электр станциялари ва иссиқлик тармоқларининг иссиқлик механика ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари». *«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг